

ФАТТОҲХОН МАМАДАЛИЕВНИНГ ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ҚЎШИҚЧИЛИК САНЪАТИ РИВОЖИДАГИ ТУТГАН ЎРНИ

Улуғбек Исақов

ФарДУ Санъатшунослик факультети ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7964712>

Фаттоҳхон Мамадалиев деганда анъанавий ижрочилик бўстониинг сохиби, эл суйган санъаткор, қўшиқчилик оламида ўзига хос услуб ва ижрочилик йўлини яратган манзурнафас хофиз кўз ўнгимизда гавдаланади.

Фаттоҳхон Мамадалиев 1923-йилда Андижон вилояти Балиқчи тумани эски Ҳаққулбод қишлоғида туғилди. Ёшлиқдан қўшиқча, санъатга бўлган хавас билан устозлар назарига тушди ва скрипка чалиб, қўшиқ айтишни ўргана бошлайди. Унинг қобилиятини сеза билган таниқли хофиз ва созанда Умрзоқ полвон Сайдалиев ўзига шогиртликка олади ва унинг доврўғи секин-аста Ҳаққулбод атрофларига ёйила бошлайди. Ҳақиқий хофизлик даври эса Андижон шаҳрига келиб, муқим яшаб ва ижод қилган даврдан бошланади.

Андижон шаҳар маданият уйи қошидаги мақом ансамбилида қатнашди ва кейинчалик узоқ йиллар бадиий раҳбар бўлиб ишлади ва бастакор сифатида кўплаб қўшиқлар яратди. Таниқли созанда ва бастакорлар Мирзажон Тиллаев, Нусрат Иноқов, Ғуломжон Ҳожиқулов, Фозилжон Бегматовлар билан бўлган ижодий ҳамкорлик ўзининг ижобий самарасини берди. Фаттоҳхон Мамадалиевнинг пойтахтга келиб яшаш даври ижодининг ҳақиқий гултожиси бўлди десак муболаға бўлмайди. Чунки шу даврлар мобайнида тинмай ижод қилди, қатор қўшиқлар дастурини яратди, Фарғона-Тошкент мақом йўлларининг илмий ижрочилик тахлилинини тузиб чиқди ва шогирдларига ўргатди. Унинг Республика телерадиокомпанияси қошидаги мақомчилар ансамбилидаги фаолияти ва Тошкент давлат консерваторияси анъанавий ижрочилик кафедрасидаги илмий-педагогик фаолияти билан уйғунлашган ҳолда ижобий натижалар берди. Фаттоҳхон Мамадалиевнинг яна бир буюк хизмати шундаки, халқимиз санъатининг нодир дурдоналаридан бўлмиш қатор ижрочилик йўлларини қайтадан таҳлил қилиб тиклади. Жумладан “Насруллои” мусиқа йўлларига сўз солиб, унинг талқинчасини, уфорисини, соқийномасини яратди. “Мискин”нинг 5 та йўлини, “Чоргоҳ”нинг 5 та йўлини, “Умрзоқполвон ушшоқи”нинг соқийномаларини кўшиб, ушшоқларнинг қадимий ижроларини тиклади. Изланишлар натижасида халқ анъанавий ижрочилиги бир неча ижро йўллари билан бойиди. Улардан бири туркум сифатида “Савти Фаттоҳхон” деб ижрочиларимиз ва олимларимиз томонидан тан олинди. Таниқли мусиқашунос олим Равшан Юнусов билан ҳамкорлик натижасида юкорида номлари тилга олинган ижро йўлларини илмий таҳлил қилди. Энг асосийси шу барча изланишлар натижасини шогиртларига сабот билан ўргатди ва магнит лентасига мухрлади.

Фаттоҳхон Мамадалиев ижро этган “Этмасмидим”, “Жононим менинг”, “Интизор”, “Оқибат”. “Кўнгил”, “Кокилинг”, “Дарду дилим”, “Қаландар-І”, “Қаландар-V”, “Муғулчайи дугоҳ”, “Гиря”, “Эй, сабо” сингари қатор ашулалар алоҳида сайқал берилиб ижро этилганлиги билан шинавандаларнинг қалбидан мустахам жой олди. Унинг Огахий ғазали билан айтилган “Дарду дилим” қўшиғи Мўғулистон республикасида бўлиб ўтган “Осиё мусиқаси минбари” илмий анжумани танловида фахрли ўринни эгаллади. Устоз

ўнлаб шогиртларига катта санъатга йўлланма берди ва қўшиқ куйларни қалб қўри билан ўргатди. Нуриддин Ҳамроқулов, Муножот Йўлчиева, ака-ука Исмоилжон ва Исроилжон Ваҳобовлар, Гулбахор Эрқулова, Марям Сатторова, Хуррият Исроилова, Маҳмуджон Йўлдошов, Маҳмуджон Тожибоев, Машрабжон Эрматов, Ўлмас Оллоберганов сингари таниқли хонандалар, консерваториядаги қатор шогиртлар устознинг нурли чироғидан бахраманд бўлдилар. Фаттоҳхон ака ижро этган қўшиқларга сайқал бериб янгидан магнит ленталарига ёздиришда Ўзбекистон халқ артисти, машхур созанда Абдуҳошим Исмоиловнинг хизматлари катта бўлди. Натижада умрбоқий қўшиқлар яратилди. Фаттоҳхон Мамадалиев ўзининг оҳанграбо овози билан ўнлаб хорижий давлатлар қўшиқсеварларини ҳам ўзига ром этди.

Фаттоҳхон Мамадалиевнинг хизматлари мустақиллик йилларида муносиб тақдирланди. “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист”, “Ўзбекистон халқ хофизи” фахрий унвонлари, “Меҳнат шухрати”, “Эл-юрт хурмати” орденлари, Тошкент давлат консерваториясининг профессори деб тан олиниши устоз хизматларининг ҳақиқий баҳосидир.

Хулоса сифатида айтиш жоизки, Оллоҳ томонидан берилган умрнинг ҳар бир лаҳзасини қандай ўтказиш, уни хайрли ишларга, эзгуликка сарф этиш, шу билан халқ орасида мангуликка дахлдор бўлиш камдан кам одамга насиб этади. Фаттоҳхон Мамадалиев ана шундай инсонлардан эди.

References:

1. Султонали Маннопов “Навобахш оҳанглар”. Тошкент “Ijod-Press” нашриёти 2018.
2. Соибжон Бегматов “Бастакорлар ижоди”. Тошкент “Niso poligraf” 2017
3. Karimov, A. (2022). GENERAL FUNDAMENTALS OF UZBEK CLASSICAL MUSIC. *Science and Innovation*, 1(6), 317-322.
4. Karimov, A. (2022). O'ZBEK MUMTOZ MUSIQASINING UMUMNAZARIY ASOSLARI. *Science and innovation*, 1(C6), 317-322.
5. Исаков, У. Т. (2022). ЎЗБЕК МУСИҚА МАДАНИЯТИ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ, МАНБАЛАРИ ҲАМДА УНИ ЎРГАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ. *Science and innovation*, 1(1), 625-636.
6. Isakov, U. T. (2022). SOCIAL PHILOSOPHICAL GENESIS OF THE DEVELOPMENT OF UZBEK MUSIC CULTURE. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(10-2), 589-594.
7. Исаков, У. (2022). ЎЗБЕК МУСИҚА САНЪАТИ ВА УНИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЙ ДУНЁҚАРАШИ ШАКЛЛАНИШИДА ТУТГАН ЎРНИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(10-2), 405-411.
8. Нурмуҳамеджанов, А. (2022). ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА БЎШ ВАҚТДАН ФОЙДАЛАНИШ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(10-2), 442-446.
9. Djalalova, N. (2022). МУСИҚИЙ ВА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ АСОСЛАРИ. *Science and innovation*, 1(B8), 478-481.
10. Djalalova, N. (2022). FUNDAMENTALS OF MUSICAL AND PEDAGOGICAL SKILLS. *Science and Innovation*, 1(8), 478-481.
11. Kirgizov, I., Kirgizov, I., Najmetdinova, M., & Atabayeva, S. (2022, February). THE GENESIS OF THE DEVELOPMENT OF MUSIC CULTURE. In *Archive of Conferences* (pp. 57-60).

12. Kirgizov, I., Imyaminovich, K. I., Nurmuhammedjanov, A., Sotvoldievich, S. B., Mamasodikovna, N. M., & Juraevna, A. S. (2021). The Pleasure of Singing, Listening and Understanding Navoi. Annals of the Romanian Society for Cell Biology, 2410-2413.
13. Шокиров, Т. Н. (2022). ВОРИСИЙЛИКМИЛЛИЙ МАДАНИЯТНИНГ ТАЯНЧИ. Science and innovation, 1(Special Issue 2), 581-583.
14. Шокиров, Т. Н. (2022). ВОРИСИЙЛИК ВА МИЛЛИЙ МАДАНИЯТ. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(10-2), 457-464.
15. Shakirov, T. N. (2022). SUCCESSION IS THE MAIN PRINCIPLE OF DEVELOPMENT OF NATIONAL MUSIC CULTURE. Oriental Journal of Social Sciences, 2(06), 1-10.
16. Normuhammatovich, S. A. (2022). O'QUVCHILARDA MILLIY MUSIQA ESHITISH QOBILİYATINI SHAKLLANTIRISHDA PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH SAMARADORLIGI. Science and innovation, 1(B2), 259-263.
17. Sultonov, A. (2022). MUSIQIY IDROKKA TA'SIR ETUVCHI TRANSFORMATSION TENDENSIYALARNI SHAKLLANTIRISHDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARNING SAMARADORLIGI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(10-2), 314-323.
18. Ataboyeva, S., & Ergashev, A. (2023). THE PLACE OF NATIONAL INSTRUMENTS IN THE ART OF MUSICIANS. Science and innovation, 2(C1), 38-41.
19. Абдисатторов, А. А. Ў. (2022). БАСТАКОРЛИК ИЖОДИДА МУСИҚА ФОЛЬКЛОРИ. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(10-2), 602-605.
20. Abdusattorov, A. (2022). DIMITRIY DIMITRIYEVICH SHOSTAKOVICH IJODIDA POLIFONIYA. Science and innovation, 1(B6), 430-432.